
“Йил аёли” миллий кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди

Риштон туманида “Йил аёли” миллий кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди. 1-умумий ўрта таълим мактабида ташкил этилган кўрик-танловда туманимизнинг фаол аёллари, мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этишди. Тадбирда турли соҳаларда фаолият олиб бораётган 10 нафар фаол тумандош аёлларимиз кўрик-танлов низоми асосида ўзаро беллашди. Иштирокчилар слайдлар, видеолархалар орқали ҳакамлар ҳамда тадбир қатнашчиларига ўз фаолиятлари юзасидан маълумот беришди. Соҳа мутахассисларидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллиги, ютуқлари, интилишлари, амалга ошираётган ишларининг юрт тараққиётидаги ўрнига аҳамият қаратилди. 10 та номинация бўйича ўз билим, иқтидор ва истеъдодларини намойиш этган фаол аёллар яқунда танлов ҳакамларининг хулоса ва тавсиялари асосида кўрик-танловнинг вилоят босқичига йўлланма олди.

Риштон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-11-02 21:25:40